

**Нефть маҳсулотларини тугридан-туги етказиб бериш
ШАРТНОМАСИ № 86**

«25» январ 2022 йил

Пастдаром т.

“Мароканд нефт базаси” МЧЖ, кейинги ўринларда «Маҳсулот етказиб берувчи» деб юритилувчи номидан УСТАВ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари А.Икромов бир томондан ва “Самарқанд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошкармаси” кейинги ўринларда “Истъемолчи” деб юритилувчи номидан А.Суюнов устав асосида фаолият юритувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани қўйидагилар ҳакида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» «Истъемолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини етказиб бериш, «Истъемолчи» эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳакини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг турлари, уларнинг миқдори, нархи шунингдек, етказиб бериш муддатлари қўйидаги спецификация жадвалида келтирилади.

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТТИШ	Ўлчов бирлиги	Нархи	Йиллик миқдори	Суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича			
						I	II	III	IV
Диз.ёнилғиси	O'zDst 1134:2007	тонна	12 645 000	1.2	15 174 000	1.2	0	0	0
Бензин	O'zDst 1134:2007	тонна	10 778 000	1.37	14 765 860	1.37	0	0	0

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истъемолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Етказиб берувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг таҳминий умумий суммаси 29 939 860 (Йигирма тўққиз миллион тўққиз юз ўттиз тўққиз минг саккиз юз олтмиш) сўмни ташкил киласди.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида 2020 йил 4 май куни ўтказилган №27-сонли йиғилиш баёнининг 23-бандига асосан етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Етказиб берувчи» томонидан Бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшахартрансхизмат” АЖ, маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиши бўйича давлат корхоналарига дизел ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) ўтган ҳафтадаги биржга савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртacha биржга нархларида шаклланади.

2.3. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Етказиб берувчи» томонидан бошқа истеъмолчиларга барча нефт маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш заводларидан биржга савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириши харажатлари ҳамда сотиши бўйича нефт база устамасидан шаклланади.

2.4. «Етказиб берувчи» «Истъемолчи»нинг буюртмаси олинган заҳоти етказиб берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум киласdi. «Истъемолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишилихажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 5 кун ичидан амалга оширади. Акс ҳолда «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотлари учун янги жорий нархларни қўллаши мумкин.

2.5. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Етказиб берувчи»нинг банкдаги ҳисоб ракамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Етказиб берувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан «Истъемолчи»нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганилигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда етказиб берилади.

3.2. Нефт маҳсулотлари «Истъемолчи»га «Етказиб берувчи»нинг маҳсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истъемолчи» томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиб ҳаражатлари қайта кўриб чиқилмайди

3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг қўйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Етказиб берувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истъемолчи)нинг автотранспортида олиб кетиши ҳолатлари бундан мустасно) «Истъемолчи»нинг талабига биноан «Етказиб берувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамгаланади.

3.5. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 2 кун ичидан етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Етказиб берувчи» томонидан «Истъемолчи»ни бу ҳакда ҳабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари миқдор бўйича кабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдор жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини сифат жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истъемолчи»нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли хужжатлар «Етказиб берувчи»нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг худудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик хукуки, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи»омбори ёки АЁҚШ худудидан чиқкан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефтмаҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган хужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш хукуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги конунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечикирилган кун учун вақтида етказилмаган нефт маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пена тўлайди.

6.3. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда «Истеъмолчи»га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт маҳсулоти қийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш хукуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» етказиб берилган нефт маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгид бўлмайдиган куч (фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғоқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктиносидий судлар орқалиҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.


8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг хукукий кучга эга.

8.4. Шартноматомонлар ўртасида имзоланганва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 20²² 2021 31 декабргача амал қиласди.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ


«Маҳсулот етказиб берувчи»

«Мароканд нефт базаси» МЧЖ
Пастдаром тумани, Арабхона кишлоғи
х/р 2260400000440931701
МФО 00432 «Узсаноаткурилишбанк» АТБ
Яшнобод филиали ИИН 202041686

 Б.С.Шарипов

Хукукшуноснинг хуносаси: Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353 ва 354 моддалари ҳамда 437-456-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги Конуннинг 11 булим 31, 32, 34-моддалари талабларига жавоб беради

Хукукшунос



ИИНМС булими

«Истеъмолчи”

Самаарканд СОФБ
Самаарканд ш. Гагарин – 70
Тел. +99 866 210 – 08 – 98
х/р № 100 021 860 184 017 042 402 170 003

Марказий банк XKKM Тошкент ш.
МФО 00014 ОКЕД 22100 ИИН: 305 700 747

 А.Т.Суюнов

Хукукшунос

 М.Базаров

**Самарқанд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси ва
“Мароканд нефт база”МЧЖ билан “25” январ 2022 йилдаги №86-сонли шартномага нефт
махсулотларини ойма - ой етказиб бериш түғрисидаги
СПЕЦИФИКАЦИЯ**

Бензин ва Диз-топливо

№	Махсулот номи	Ойлар номи	Улчов бирлиги	Нархи	Ойлик Микдори	Суммаси
1	Автобензин	Январ	тонна	10 778 000	0,45	4 850 100,00
2	Дизёнилғиси			12 645 000	0,4	5 058 000,00
3	Автобензин	Феврал	тонна	10 778 000	0,45	4 850 100,00
4	Дизёнилғиси			12 645 000	0,4	5 058 000,00
5	Автобензин	Март	тонна	10 778 000	0,47	5 065 660,00
6	Дизёнилғиси			12 645 000	0,4	5 058 000,00
	Автобензин	Жами:	тонна	10 778 000	1,4	14 765 860,00
	Дизёнилғиси			12 645 000	1,2	15 174 000,00
	Жами:					29 939 860,00

Самарқанд СОФБ
бошлиғи:



A.Суюнов